O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 27-mart • Seshanba • 38 (27.683) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«2007 йилнинг 1 сентябридан давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмини, айни вақтда уни тайинлаш ва тўлаш муддатини олти ойгача узайтирган ҳолда, 1,5 бараварга... оширилсин... ».

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан)

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликнинг жадал ривожи учун яратилаётган кенг имкониятлар самараси туфайли бугунги кунда ушбу соҳалар иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

«ТАШАББУС — 2007» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг ҳам алоҳида ўрни бор. Тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш ва ишбилармонлик фаолиятини янада кенгайтириш, соҳадаги илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган танловда ўтган ўн бир йил давомида юз мингдан ортиқ киши иштирок этди. Мазкур тадбир соҳа вакилларининг илғор тажрибаси ва ютуқларини оммалаштиришнинг самарали механизмига айланди.

Бу йил ҳам танловнинг Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ўтказилган туман, шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиб чиққанлар республика беллашувида иштирок этди.

«Ўзкўргазмасавдо» мажмуида улар томонидан тайёрланган маҳсулот ва хизматлар кўргазмаси ташкил этилди. Ўлкамизнинг турли ҳудудларида ишлаб чиқарилган турфа товар ва буюмлар нафақат танлов ҳайъати аъзолари, балки меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ташаббус — 2007» республика танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ғолибларни саралашда уларнинг иқтисодиётимиз ривожига ҳамда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қўшаётган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш, хорижий инвестицияни жалб этиш, импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш каби омиллар ҳисобга олинди.

Шунинг учун ҳам бу йилги танлов айни мақсадларни ифода этувчи янги номинациялар билан бойитилди. Жумладан, Сирдарё вилоятидаги «Мос Ян Текс»» ҳамда пойтахтимиздаги «Alubond Roison bulding technologu» корхоналари «Энг яхши экспортчи кичик корхоналар», «Андижон-кабель» эса «Энг яхши экспортчи йирик корхона», шунингдек, Тошкент вилоятидаги «ВИММ БИЛЛ ДАНН ТОШКЕНТ» корхонаси «Энг яхши инвестор» деб топилди.

«Энг яхши пахтакор фермер» — Қашқадарё вилоятидаги «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги раҳбари Тўра Раҳмонов, «Энг яхши ғаллакор фермер» — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Покиза-Н» фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов бўлди. «Энг яхши тадбиркор аёл» Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида яшовчи ҳунарманд Зарифа Баҳодирова, «Энг ёш тадбиркор» Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Садоқат Йўлдошева, «Устозшогирд» дастури асосида ёшларни касб-ҳунарга ўргатишдаги хизматлари учун» номинациясида бухоролик Муҳаббат Қўчқорова ғолибликни қўлга киритди. «Микрокредитбанк»нинг Қашқадарё вилояти филиали «Энг яхши молия муассасаси», «Бизнес таълимот бўйича энг яхши ташкилот» — пойтахтимиздаги «Келажак илми» маркази, «Талабалар томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа» Тошкент Давлат техника университети талабаси Наргиза Файзиевага насиб қилди.

БМТ Тараққиёт дастури — «Энг яхши техник ёрдам лойиҳаси» учун тақдирланди. «Ўзбекистон» телерадиоканали шарҳловчиси Моҳинисо Камолова — телевидение, «Ўзрепорт» мухбири Лайло Рустамова — интернет нашрлар, «Сирдарё ҳақиқати» газетаси ходими Мамадали Аҳмедов эса матбуот соҳасида «Энг яхши журналист» номинацияси совринига сазовор бўлди.

Танловнинг асосий йўналишлари бўйича Самарқанд вилоятидаги «Ургут яшил олтини» хусусий корхонаси раҳбари Зайниддин Аҳроров «Энг яхши тадбиркор», Қорақалпоғистон Республикасидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги раҳбари Сарсенбой Сейтназаров «Энг яхши фермер», Андижон вилоятидан Содиқжон Неъматов «Энг яхши ҳунарманд» деб топилди.

Уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — «Матиз» автомобиллари топширилди.

«Тайимбет» фермер хўжалиги жамоаси ўтган йили эришган ютуқлар жуда салмоқли бўлди. Давлатга 185 тонна пахта, 410 тонна буғдой, 800 тонна шоли топширилди. Хўжаликнинг йиллик ўртача айланма маблағи 478,9 миллион сўмдан ошди. 96 нафар киши меҳнат қилаётган ушбу жамоанинг бу йилги режалари янада юксак.

— Эришаётган ютуқларимизда, — дейди фермер хўжалиги раҳбари С.Сейтназаров, — Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фермерлик ҳаракатини кенг ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор муҳим омил бўлмоқда. Биз кўрсатилаётган ана шу ғамхўрликка жавобан янада самарали меҳнат қилиб, қишлоқда саноатни ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссамизни қўшиш ниятидамиз. Бунинг учун хўжалигимизга қарашли цехларда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари ва товарлари турини янада кенгайтиришга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Д.ЮСУПОВ (ЎзА)
олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўққизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 28 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

❖ **ЎзХДП ҳаёти**

ЭЗГУ ҒОЯЛАР ТАРҒИБОТИДА

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ МУҲИМ

ЎзХДП Хоразм вилояти кенгаши Урганч шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи» номли интервьюси мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Урганч шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Назарова, вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вилоят вакили Давронбек Абдуқодиров ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар пойтахтимизнинг юксак эътирофга сазовор бўлиши улуғ аждодлар, бу заминда яшаб ўтган не-не мутафаккир зотларнинг асрлар мобайнида яратган буюк кашфиётлари, қолдирган меросига, мамлакатимизнинг ислом маданияти тараққиётида тутган ўрнига берилган муносиб баҳо эканлигини айтиб ўтдилар.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — ISESCO томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши юртимизда, жумладан, Хоразм воҳасида ҳам катта қувонч билан кутиб олингани алоҳида қайд этилди. Иштирокчилар мамлакатда бугунги кунда ислом маданиятидек ноёб мероснинг қай тарзда сақлаб, асраб-авайлаб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, тарғиб қилиш ва жаҳон жамоатчилигига намойиш этиш юзасидан қилинаётган кенг кўламли ишлар хусусида фикрларини билдирдилар. Бу масала Юртбошимизнинг интервьюсида кенг очиб берилган. Шундан келиб чиқиб давра суҳбати иштирокчилари олимлар, зиёлиларимиз билан биргаликда қатор тадбирларни ўтказиш ҳақида ўзаро фикр алмашдилар, ЎзХДП ташкилотларининг бу ишлардаги иштироки ҳақида таклифлар айтдилар.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

❖ **Парламент фаолияти**

ЧЕГАРА — МУҚАДДАС

Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини сақлаш, чегараларимизни қўриқлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида 2005 ва 2006 йиллар мобайнида Андижон вилоятида «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил бўйича кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Андижон вилоятида давлат чегарасини қўриқлаш учун яратилган шароитлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг чегара қўшинларига, давлат чегарасида назоратни амалга оширувчи давлат бошқарув органларига кўмаклашиши, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг давлат чегарасини ҳимоя қилишда ва қўриқлашдаги иштироки ҳамда уларнинг ҳушёрлигини ошириш каби муаммолар ҳақида фикр юритилди.

Мазкур Қонун ижросини ўрганишдан мақсад Андижон вилоятида маҳаллий ҳокимият ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларининг, чегара туманларида яшовчи маҳаллий аҳолининг Қонун ижросидаги иштироки, шунингдек, бу соҳада қилинаётган ижобий ишларни ўрганиш, хато ва камчиликларни бартараф қилишда ёрдам беришдан иборат бўлди.

Айни пайтда чегарачиларни ватанпарвар, қасамёдга ва бурчга садоқат руҳида тарбиялаш муҳим масала. Бунинг учун эса улар ўртасида тарбиявий ишларни жонлантириш зарур.

«Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунни қатъий амалга оширишда тегишли ташкилотларнинг фаоллиги, чегара зоналарига яқин жойларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг ҳушёрлигини оширишга ва жавобгарлигини ҳис этишларига эътиборни кучайтириш зарурлиги қайд қилинди.

Қўмита йиғилишида Қонун ижросига масъул бўлган идораларга амалий тавсиялар берилди.

Равшан ШОДИЕВ

❖ **Халқаро кўргазма**

«ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК»

Куни кеча Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида «Таълим ва мутахассислик» 2-халқаро кўргазмаси иш бошлади. Кўргазма республика Савдо-саноат палатасининг «SSP-Expocontact» унитар корхонаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда республикамиз, хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари, пойтахтимиздаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва ўқув марказлари иштирок этмоқда. Кўргазмани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ёшларни мамлакатимиз ва чет элда мавжуд таълим хизматлари билан яқиндан таништириш, абитуриентларга олий ва ўрта махсус ўқув муассасасининг энг мақбул танловига кўмак беришдан иборатдир.

— Биз кўргазмада институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган ўқув адабиётлари билан иштирок этяпмиз, — **дейди Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти илмий ишлар бўйича проректори Одил Сафаров.** — Кейинги 2-3 йил ичида қўплаб ўқув қўлланма ва электрон дарсликлар яратдик. Улар асосан касб-ҳунар коллежлари учун мўлжалланган.

— Бизнинг республика Бизнес мактаби ҳам «Таълим ва мутахассислик» кўргазмасида фаол қатнашмоқда, — **дейди назоратчи Лена Бобохонова.** — Мактабимизда менежерлар, брокерлар тайёрлайдиган курслар ташкил этилган. Айни пайтда «МИРБИС» Москва халқаро олий бизнес мактаби билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур кўргазма халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ёшлар билан яқинлашиш имкониятини яратиб бермоқда.

Маъмуржон ПАРПИЕВ

Суратда: *халқаро кўргазма фаолиятидан лавҳа.*

Носир ҲАЙДАРОВ
олган сурат

Мустақиллик йилларида ёш авлоднинг баркамол ривожланиши борасида ғамхўрлик қилиш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилгани ва амалда кенг қўлланилаётгани бу борада муҳим омил бўлмоқда. Зотан, янги авлод — жамият ва халқ таянчидир. Мамлакат равнақи кўп жиҳатдан ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, интилишлари ва саъй-ҳаракатига боғлиқ.

«КЕЛАЖАККА САРМОЯ»

Ўтган даврда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган ва мамлакатимиз таълим тизимида муваффақиятли амалга оширилаётган мазкур миллий дастурлар асосида ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг узлуксиз тизими яратилди. Натижада мамлакатимизда таълим соҳасида тарихан қисқа даврда туб ижобий ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг саводхонлик даражаси 99,3 фоизни ташкил этади, бу рақам — дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардандир.

Шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб замонавий мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилмоқда. Ушбу таълим масканлари нафақат кўркамлиги, балки замонавий русумдаги компьютер, зарурий ўқув-методик адабиётлар, турли хил лаборатория ускуналари билан жиҳозланиши жиҳатидан ҳам кишини ҳайратга солади.

Айни пайтда, мактаб таълимини тубдан яхшилаш, энг замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-моддий база ва таълим стандартларини яратиш, қишлоқ ва шаҳар мактаблари моддий базаси ҳамда жиҳозланишидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш, ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш асосида фарзандларимизнинг ўқиши учун тенг шароитлар яратиш борасида кўплаб натижаларга эришилаётгани қувонарлидир.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда таълим дастурлари ижроси йўлида келажакка жалб этилаётан сармоялар бераётган дастлабки самаралардандир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Маънавият» нашриёти ҳамкорлигида нашр этилган «Келажакка сармоя» рангли-безакли альбом-китоб шу ҳақда ҳикоя қилади. Янги нашрда Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусиятлари, истиқлол йилларида мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралар, халқ таълими соҳасида эришилаётган ютуқлар ўз ифодасини топган.

Ўзбек, рус, ва инглиз тилларидаги ушбу китоб-альбом Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

(ЎзА)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ ЎзХДП ҳаёти

ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

Зарафшон шаҳрида ЎзХДП Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унда Қизилқум кенгликларида жойлашган Учқудуқ, Томди туманлари ҳамда Зарафшон шаҳар партия кенгашлари фаоллари, «Истиқбол ёшлар» ва «Фаол аёллар» қанотлари раислари иштирок этишди.

Юзма-юз мулоқот тарзида ўтган мазкур тадбирда кончилар, саноатчилар, қурувчилардан иборат кенг жамоатчилик вакиллари, талабалар, мураббийлар ва шифокорлар ҳам қатнашдилар. ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Миржалил Мирзаахмедов «Истиқбол» ёшлар қанотининг мақсад ва вазифалари, бугунги кундаги фаолияти ва келгуси режалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Шунингдек, анжуманда сўзга чиққанлар — ХДП вилоят кенгаши ҳузуридаги «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Ўткир Тўхтаев, «Фаол аёллар» қаноти раиси Гавҳар Равшанова, ХДП Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Баҳодир Қосимов ҳам сиёсий партиялар нуфузини оширишда ёшлар ва хотинқизларнинг тутган ўрни хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир сўнгида бу каби учрашувларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олинди.

ЎҚИТУВЧИЛАР ЭЪЗОЗДА

ЎзХДП Кармана туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги 10-сонли умумтаълим мактабида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб тадбир ўтказилди. Бунга асосий сабаб мазкур мактабнинг «Йилнинг энг яхши мактаби» республика кўрик-танловида фахрли 3-ўринга сазовор бўлганидир.

Тадбирда сўзга чиққанлар мактаб жамоасини муваффақият билан қутлаб, халқ таълимидаги ислоҳотлар ва ХДПнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.

Мактабнинг нуфузи ортиб бораётгани, ундан йил сайин билимли, истеъдодли ёшлар етишиб чиқаётгани, юртимизда ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхтадилар.

Тадбир сўнгида мактаб ўқитувчиларининг бир гуруҳига байрам совғалари топширилди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЭЪТИҚОД МУСТАҲКАМ БЎЛСА

ЎЗГА ҒОЯЛАР ТАЪСИРИГА ҲЕЧ КИМ БЕРИЛМАЙДИ

Маълумки, ғоявий тажовузлар ғоҳ ошкора, ғоҳ пинҳона олиб борилаётган бир пайтда мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш авлод қалби ва онгига она-Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини сингдириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори мақсад-моҳияти ҳам айнан ана шу долзарб масалага қаратилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгашида ўтказилган сиёсий семинар кун тартибига қўйилган «Миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари — Ўзбекистон ХДП сиёсий мафкурасининг пойдевори» мавзуси қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлиши ҳам бу масала нақадар долзарблигини яна бир бор кўрсатди.

— Миллий ғоя, — деди тингловчилар олдида маруза қилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи директори Ҳамза Муҳаммедов, — халқимизнинг асрий анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳига асосланган боис ёшу қарида келажакка ишонч, Ватанга чексиз муҳаббат, маърифатга интилиш туйғуларини жамулжам бўлишини таъминламоқда. Бу айниқса, кўппартиявийлик шароитида яққол намоён бўлмоқда. Мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти сифатида фаолият кўрсатаётган партиямиз ўзининг мафкурасини ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик, демократия ва озодлик мафкураси деб белгилади ва ўз электорати орасида сиёсий-маърифий ишларни олиб боришда ана шу тамойилларга таянаяпти.

Ромитан туманидаги «Гулистон» маҳалласи маслаҳатчиси, партиямиз фаоли Солиҳа Сатторова мафкуравий ишдаги кемтикликка ҳамманинг эътиборини жалб этди.

— Халқимизда отанг маҳалла, онанг маҳалла, деб бежиз айтилмаган, — деди у. — Шу боис олиб борилаётган тарғибот ишлари кўпроқ маҳаллаларда ўтказилса. Зеро, эзгу ишлар айнан маҳаллада намоён бўлади. Ҳар биримизда эътиқод мустаҳкам бўлса ўзга ғоя таъсирига берилишга ҳожат қолмайди.

— Ҳақ ғап, — деди Бухоро тиббиёт коллежи ўқитувчиси Абдулла Алимов. — Ҳозир жаҳонда мафкуравий кураш, хуруж ва босимлар авж олаяпти. У турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Ана шулардан ёшларимизни асрашимиз керак. Бунинг учун уларга Ватан ягона, у муқаддасдир деган туйғуни чуқур сингдириш лозим. Бунга эришиш учун аввало ўзимиз ибрат кўрсатишимиз даркор.

ЎзХДП Вобкент туман кенгаши раиси Толиб Авезов масаланинг яна бир муҳим жиҳатига тўхталди.

— Бунда кўпроқ ўз электоратимиз ҳисобланган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами билан иш олиб боришимиз яхши самара беради. Бу борада маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тарғиботчиларга нисбатан талабчан бўлиш фойдадан холи бўлмайди, албатта.

Миллий ғоя ва ЎзХДП сиёсий мафкурасини ўрганиш ҳамда тарғиб қилишнинг жойлардаги аҳволи, «Ижтимоий ҳимоя йили»даги вазифалар кўлами ва бошланғич партия ташкилотларининг ана шу йўналишдаги ишлари самарадорлигини ошириш ҳақида вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева тўхталиб ўтди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 27 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1004,93	1 Малайзия рингтити	362,08	1 ЕВРО	1657,72
1 Англия фунт стерлинги	2448,51	1 Польша злотийси	428,97	10 Жанубий Корея вони	13,32
1 Дания кронаси	222,63	1 СДР	1889,56	10 Япония иенаси	106,00
1 БАА дирхами	340,45	1 Туркия лираси	903,23	1 Россия рубли	48,06
1 АҚШ доллари	1250,07	1 Швейцария франки	1025,07	1 Украина гривнаси	247,54
1 Миср фунти	219,60				
1 Исландия кронаси	18,74				
1 Канада доллари	1075,70				
1 Хитой юани	161,61				

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

❖ Мутахассис билан суҳбат

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш кўп жиҳатдан ҳуқуқшунос кадрларнинг билим ва малакаси ҳамда холислигига боғлиқ. Ҳуқуқшунослар қанчалик билимли, малакали, виждонли бўлса, ҳуқуқ-тартибот идоралари шунчалик мустаҳкам бўлади, ноҳақликлар шунчалик кам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш Маркази раҳбари Нормейли НОРПЎЛАТОВ билан суҳбатимиз Марказнинг бу борадаги ўрни ва вазифаси ҳақида бўлди.

— Аввало, Марказни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва унинг зиммасига қандай вазифалар юклангани ҳақида тўхталсангиз.

— 1997 йил 20 майда Юртбошимиз ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув ўтказиб, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилган эди. Ушбу учрашувда адлия ва суд органлари ходимлари малакасини ошириш институти негизида барча ҳуқуқшунослар учун малака оширишнинг ягона марказини ташкил этиш лозимлиги қайд қилинди. Ана шунга асосан 1997 йил 21 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш Марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, Марказ олдига замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг савиясини ошириш вазифалари қўйилди.

Қонун нормалари билан ишлайдиган, уларни ҳаётга татбиқ қиладиган ҳар бир ҳуқуқшунос нафақат амалдаги қонуннинг мазмунини чуқур билиши, моҳиятини англаб етиши, балки унинг ҳуқуқий табиатини тушуниб олиши ҳам шарт. Яхши қонунни ишлаб чиқиш, яратиш ҳамда уни қабул қилиш билан иш битмайди. Қонунлар ҳаётга татбиқ қилиниб, улар бажарила бошлангандагина бу қонунларни яшаяпти, ишлаяпти, деб айтиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, қонуннинг ижтимоий зарурати, мақсад ва вазифалари инсон манфаатлари билан муштаракликка эришилганда, унинг мазмуни моҳияти ҳар бир фуқарога етиб борганда ва қонунга риоя қилиш фақат давлатнинг мажбурлов чоралари билан эмас, фуқаронинг ўзи учун ҳам фойдали эканлиги тушуниб етилгандагина жамият ва шахс ўртасида мутаносибликка эришиш мумкин. Бунинг асосий йўли эса ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда аҳоли ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг мукаммал тизимини яратишдан иборат.

— Марказда ҳуқуқ-тартибот идораларининг асосан қайси тизими ходимлари малакасини оширади?

— Бизда адлия, суд, адвокатура ҳамда ҳокимият идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматининг олий маълумотли ходимлари, ёш мутахассислар ва раҳбарлик лавозимига захирага олинган ходимлар, шунингдек, ҳуқуқшунос ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш назарда тутилган.

Марказда бешта кафедра ташкил этилиб, уларга иқтидорли олимлар ва тажрибали амалиёт мутахассислари жалб қилинган. Профессор-ўқитувчилар томонидан ўтган йили 15 та илмий-оммабоп мақола, учта ўқув қўлланмаси, иккита ўқув-услубий қўлланма, иккита рисола чоп этилди. Марказда илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилган. Ходимлар томонидан ўзлари амалга ошираётган илмий изланишлардан ташқари, иккита докторлик, ўн битта номзодлик диссертациялари бўйича илмий хулосалар берилди. Марказ қайта ташкил этилган пайтда 300-400 киши таҳсил олган бўлса, 2006 йилда бу ерда 1454 нафар тингловчи ўз малакасини оширди.

Марказ фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири мутахассисларни янги касбларга қайта тайёрлашдир. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб суд ижрочилари, адвокатлар, терговчилар ва бошқа ҳуқуқшунослик касблари билан шуғулланиб келаётган олий маълумотли юристлар орасидан танлаб олинган номзодларни судьялик лавозимларига қайта тайёрлаш йўлга қўйилди. Қайта тайёрлаш курсларининг муддати 3 ой бўлиб, уларда жиноят, хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьялари тайёрланади. Дастурлар судьялик лавозимини эгаллаш билан боғлиқ моддий ва процессуал ҳуқуққа оид барча мавзуларни ўз ичига олган бўлиб, назарий маърузалар ҳамда амалий машғулотлар ва суд идораларида иш ўрганиш жараёни ҳам назарда тутилган. Машғулотларга ҳуқуқшунос олимлар билан бир қаторда суд-прокуратура идораларининг тажрибали амалиёт ходимлари ҳам жалб қилинган.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг дастурлари жаҳон тажрибаси асосида, яъни Россия Федерацияси, Болгария Республикаси ва бошқа давлатларнинг ижобий тажрибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Судьяликка қайта тайёрлаш курслари Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раҳнамолиги, бевосита ёрдами ва иштирокида амалга оширилмоқда.

— Сир эмас, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари айрим ходимларининг муомала маданияти ҳақида эътирозлар учраб туради. Марказда маънавият-маърифатга оид ўқувлар ҳам ўтказиладими? Умуман, Сиз тажрибали юрист сифатида юристлар маданияти ва маънавияти нималарга боғлиқ, деб ўйлайсиз?

— Ҳуқуқшунослик соҳаси очиқликни, ошкораликни талаб қилади. Бу соҳадаги ходимларнинг фаолияти доимо жамоатчиликнинг диққат марказида, унинг назоратида. Уларнинг юриш-туриши, ишда, оилада, жамоатчилик орасида ўзини тутиши, хулқи, одоби элнинг назарида бўлади. Ана шунинг учун ҳам ҳуқуқшуносларнинг таълим олишлари, малака оширишлари жараёнида ҳуқуқий маданият, касб этикаси масалаларига катта ўрин берилади. Дастурлар ҳуқуқшунос ходимларни инсон тақдирига бефарқ бўлмаслик, адолатсизлик, ноҳақлик, кўрслик, манманлик, одамларни менсимаслик каби иллатлардан ҳоли бўлиш, бир сўз билан айтганда, юксак маданият ва маънавиятли қилиб тарбиялашга қаратилган.

Ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш эса кўп факторларга боғлиқ. Биринчидан, ўз ҳаётини бу касбга бағишлаётган инсон ёшлигиданоқ оилада тўғри тарбия олган бўлиши лозим. Унинг феъли, хулқ-атвори, одоби юқори бўлсагина, бундай одам бошқаларнинг хатти-ҳаракатига холис баҳо бериши, адолатли ҳукм чиқариши мумкин.

Иккинчидан, ҳуқуқшуносларнинг барчаси уларнинг касб этикаси билан боғлиқ хислатларни ўзларида шакллантиришлари ва унга оғишмай риоя қилишлари лозим. Тўғрисўз, ҳалол, ҳушмуомала, сўзи ва ваъдаси устидан чиқадиган, тартиб-интизом ва саранжом-саришталикда ўрнак бўладиган, маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик, улфатчилик қусурларидан ўзини тия биладиган ҳуқуқшуносларга халқ кўпроқ ишонади.

Учинчидан, ҳуқуқшунос қонун-қоидаларга биринчи навбатда ўзи риоя қилиши шарт. Қонунни писанд қилмайдиган ходим ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан узоқроқ юргани маъқул.

Марказда ўқув дастурларини тузишда тингловчиларнинг фикр ва мулоҳазалари эътиборга олинади, бунинг учун анкета тўлғазиш, рейтинг сўрови ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Машғулотларни режалаштириш ва ўтказишда қонунчиликдаги ўзгаришлар ва янгиликларга катта эътибор берилади. Махсус фанлар билан бирга ахборот технологияларининг замонавий ютуқларидан фойдаланишга оид маърузалар, компьютер ва электрон алоқа усуллари билан боғлиқ амалий машғулотлар, лотин имлосига асосланган ўзбек ёзувини ўрганиш бўйича машғулотлар ўтказилади. Махсус фанлардан ташқари, миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормалар ва уларнинг Ўзбекистон қонунчилигида акс эттирилиши масалалари ҳам ўрганилади. Қонунчиликдаги янгиликларни амалиётда қўллаш бўйича услубий дастурлар билан бирга амалиётда юзага келаётган муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ўқув дастурларидан кенг ўрин олган. Бу борада Марказ мамлакатимизнинг барча илмий ва бошқа таълим марказлари ҳамда МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатларидаги малака ошириш марказлари билан доимий алоқа ўрнатган. Мазкур алоқалар ўқитиш ва малака оширишнинг энг замонавий усулларини яратиш ва ривожланган мамлакатларнинг ижобий тажрибасидан фойдаланишга имкон бермоқда.

Марказда ихтисослаштирилган ўқув курслари ҳуқуқшуносларнинг мутахассислиги, маълумоти, малакаси, фаолият йўналишига мувофиқ ташкиллаштирилади. Ҳар бир курс тингловчиларида уларнинг мутахассислиги учун зарур бўлган чуқур билим, юксак маҳорат, касбий кўникмалар шакллантирилишига асосий эътибор берилмоқда.

Жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьялари учун ташкил этилган махсус курсларда жиноят ҳуқуқи, жиноят процессуал ҳуқуқ, криминалистика, криминология фанлари билан бир қаторда, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар, Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий хусусиятлари суд этикаси, ҳуқуқий маданият, ахборот технологияларига оид машғулотларга қўшиб олиб борилмоқда. Шунингдек, суд-экспертизаларининг сўнгги ютуқлари, Олий суд пленуми қарорлари, халқаро ҳуқуқий муносабатлардаги янгиликлар ва ўзгаришлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ норматив ҳужжатларни ўрганиш йўлга қўйилган.

— Марказ қошида ҳуқуқий мавзуда ёзадиган журналистлар ўқувларини ҳам ташкил этиш мумкинми?

— Яхши фикр. Малака ошириш Маркази илм-фан, таълим билан амалиётни боғлаб турган ўзига хос бир ўқув масканидир. Бу ерда йирик олимлар билан бир қаторда катта амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар тўпланган. Бундан ташқари, Марказда туман, шаҳар ва вилоят миқёсида фаолият кўрсатадиган барча фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг, хўжалик ва ҳарбий судларнинг судьялари, адвокатлар малака оширадилар. Шунинг учун ҳуқуқшунослик соҳасига ихтисослашган журналистларнинг ўқувини бу ерда ташкил қилиш ҳар томонлама фойдали бўларди.

— Марказ фаолияти самарадорлигини ошириш учун яна қандай ишлар қилиниши лозим, деб ўйлайсиз?

— Илмий тадқиқотларнинг бевосита амалиёт билан боғлиқ йўналишларини грантларга киритишга эришиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг марказий маҳкамалари ўзлари манфаатдор мавзуларга грант ёки бошқа рағбатлантириш чоралари жорий қилишлари зарур ва илмий тадқиқотларга амалиёт ходимларини кўпроқ жалб этиш керак бўлади. Бундан ташқари, ходимларнинг билимлари, ҳуқуқий маданияти, касб одоби, профессионал маҳорати, амалий кўникмалари, интеллектуал салоҳиятини белгиловчи кўрсаткичларини аниқлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиб, улар бўйича мунтазам тест синовлари ўтказилиши ҳуқуқий саводхонликнинг ошишига, ҳуқуқий ислоҳотларнинг маромига етишига хизмат қилган бўларди, деб ўйлайман. Зеро, малакали кадр ҳуқуқий жамият пойдевори ҳисобланади.

Суҳбатдош:
Акбар ЖОНУЗОҚОВ

БОЛАЖОНЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ва бу борада қабул қилинган Давлат дастури эзгулик ҳамда хайрли ишлар кўламини кун сайин оширмоқда. Ҳозир бутун республикамиз бўйлаб аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, ногиронлар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб туриш, эҳтиёжманд кишилар ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини барқарорлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Пойтахт вилоятининг Бекобод шаҳридаги Бахт уйида Наврўз айёми муносабати билан Ўзбекистон металлургия комбинати жамоаси 130 нафар ногирон болалар учун байрам дастурхони ёзди. Тадбир сўнггида корхона ишчи-хизматчилари болажонларнинг барчасига телевизор, спорт кийимлари совға қилдилар. Шунингдек, 15 дона ногиронлар аравачаси ҳамда 20 минг сўмдан моддий ёрдам пуллари ҳам берилди.

— Бундан ташқари боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга, шунингдек, туман ҳамда шаҳардаги 700 нафар ногирон болаларга йил давомида муттасил ёрдам бериб боришни ўз фаолият дастуримизга киритганмиз, — дейди ***завод касаба уюшмаси раиси Илҳом Қурбонов.***

Тадбир саньаткорларнинг байрамона куй-қўшиқлари ва болажонлар томонидан тайёрланган турли саҳна кўринишларига уланиб кетди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Суратларда:
тадбирдан лавҳалар.

Эркабой БОТИРОВ олган суратлар

ХАТАРДАН ҲИМОЯ

Маълумки, куз ва баҳор фаслларида қушлар миграцияси, яъни қушлар кўчиши кузатилади. Турган гапки, айнан мана шу даврда улар орасида айрим касалликлар, хусусан, «парранда гриппи» касаллигининг хуруж даври юзага келади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачининг эпидемиология масалалари бўйича ўринбосари Винера БАРАТОВА билан «парранда гриппи», уни юқтирувчи омиллар ҳамда мазкур касаллик мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Винера Жўраевна, аввало «парранда гриппи» ва уни юқтирувчи омиллар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— «Парранда гриппи» асосан паррандаларда учрайдиган юқори контагиозли ўткир вирусли юқумли касаллик ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, уй паррандалари учун касаллик юқтирувчи омиллар очиқ сув ҳавзаларида сузувчи ёввойи паррандалардир. «Парранда гриппи» билан айрим сут эмизувчи ҳайвонлар, ҳаттоки, одамлар ҳам касалланиши мумкин.

Мазкур касалликнинг паррандалардан одамга юқиши 1997 йил март-май ойларида Сянганда кузатилган. «Парранда гриппи»нинг кўпгина жиҳатлари ҳали ўрганилганича йўқ. Олимларнинг таъкидлашларича, келажакда касаллик пандемияси кузатилиши эҳтимоли бор.

Ташвишланарли томони, «парранда гриппи» хасталигининг одамларда оғир кечиши, ўлим даражасининг юқорилиги 30-60 фоизни ташкил этиши, касалликнинг махсус профилактикаси ва даволаш усулларининг ишлаб чиқилмаганлиги дунё олимларини хавотирга солмоқда.

Бугунги кунда Россия Федерацияси ва Европадаги паррандалар орасида эпизотик вазият ҳукм сурмоқда. Шунингдек, касаллик Жанубий-шарқий Осиё давлатларидаги паррандалар ва одамлар орасида ҳам учраётганлиги ҳақида хабарлар бор.

— «Парранда гриппи» одамга қай ҳолатларда юқиши мумкин?

— Шуни ёдда тутиш керакки, мазкур касаллик қўзғатувчиси ҳеч қачон тўғридан-тўғри паррандадан одамга юқмайди. Балки, инсон организмида ёки теварак-атрофда грипп қўзғатувчиси бўлиб, унга яна қўшимча тарзда «парранда гриппи» қўзғатувчиси тушиши сабабли икки вирус қўшилганидан, яъни мутациядан кейин ҳосил бўлган мутантларгина одам организмида касаллик келтириб чиқариши мумкин.

Мутантлар касаллик чақирувчанлик, ташқи муҳитга чидамлилик ва бошқа шу сингари хусусиятларни ўзида сақлаб қолади. Натижада инсон организмида жуда оғир касаллик юзага келади. Айнан мана шу босқичда хасталик ҳаво-томчи ҳамда мулоқот йўли орқали тарқала бошлайди.

— Хонадонларда боқилаётган канарейка, тўтиқуш орқали ҳам «парранда гриппи» юқиши эҳтимоли бор, деган гаплар қулоққа чалиниб қолмоқда. Бунга нима дейсиз?

— Йўқ, бу миш-мишларга ўрин йўқ. Боиси касаллик уй шароитида боқилаётган қушларда учрамайди.

— Айтинг-чи, касалликнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш бўйича нималар қилиняпти?

— Республикамизга қўшни бўлган Россия Федерацияси ва Қозоғистоннинг Павлодар ўлкасидаги паррандаларда бу касаллик аниқланганлиги ҳақидаги хабар олинганидан сўнг, мамлакатимиз ҳудудига бу касалликнинг кириб келиши ва одатдаги грипп касаллиги тарқалишининг олдини олишга қаратилган қатор услубий ва амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 3 январь ва 18 февралида Вазирлар Маҳкамасида Республика фавқулодда эпидемияга қарши кураш кенгаши бўлиб ўтди. Унда кенгаш қарори асосида ЎзРВИ ва грипп ҳамда «парранда гриппи»нинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирларини бажариш юзасидан ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотларга кўрсатмалар белгилаб берилди. Республикамизнинг ҳудудларида жойлашган санитария назорат пунктларининг иши ҳар доимгидан ҳам кучайтирилиб, касаллик қайд этилган давлатлардан парранда маҳсулотларининг мамлакатимизга олиб кирилиши тақиқлаб қўйилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва кўпгина давлат олимларининг таъкидлашларича, оддий гриппга қарши эмлаш инсон танасида гриппга қарши жамоа иммунитетини ҳосил қилиб, унинг бошқа юқумли касалликларга қарши турғунлигини кучайтиради. Мана шу омилларни ҳисобга олиб, аҳоли билан кўпроқ мулоқотда бўладиган соҳа ходимлари, хусусан, жамоат транспорти, тиббиёт, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари ходимлари, қариялар ва Меҳрибонлик уйлари хизматчилари ҳамда у ерда яшовчиларни гриппга қарши эмлаш тадбирлари кучайтирилди.

Ўтган 2006 йилнинг кузидан то бугунги кунга қадар аҳолининг қарийб икки фоизга яқини гриппга қарши эмланди.

Ана шу эмлаш тадбирининг аҳамиятини эътиборга олиб санитария-тарғибот ишларини янада кучайтириш, оммавий ахборот воситалари орқали бўлаётган чиқишлар ҳамда аҳоли билан тўғридан-тўғри олиб борилаётган суҳбатлар ҳам ўз самарасини бераётир.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ **Эл соғлиги — юрт бойлиги**

Яқинда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташҳис марказида Президентимизнинг 2006 йил 27 июлдаги «Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси ҳамда 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш муаммоларига бағишланган ўқув-семинари бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Республика Халқ таълими вазирлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази масъул ходимлари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари қошидаги ташҳис марказлари раҳбарлари ҳамда амалиётчи психологлар иштирок этишди. Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижросини таъминлаш, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Икки кунлик семинар давомида иштирокчилар шўъбаларга бўлиниб, тегишли масалаларни муҳокама этдилар. Хусусан, касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг мониторингини ташкил қилиш, 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ камраб олишда ота-оналар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликдаги вазифалар бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, қатнашчилар ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис хизматини тизимли ташкил қилиш, назорат, кадрлар методик таъминоти масалаларини Наманган вилояти мисолида ўргандилар.

Маъмуржон МАҲМУД

❖ **Журналист текшируви**

ҚЎШ МЕҲНАТ ДАФТАРЧА

СОҲИБИ ТЕНДЕРДА ҒОЛИБ БЎЛГАНИ ҲАҚИДА

Узун туманида истиқомат қилувчи Боймурод Жўраев ва Тоштемир Эгамбердиевларнинг таҳририятга йўллаган шикоят хатида шундай дейилади: **«...Жорий йилнинг 2-3 январь кунлари «Гулистон» ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликлари ташкил этиш учун тендер танловлари бўлиб ўтди. Тўғриси, унга қатнашиб, аввало, овора бўлган бўлсак, иккинчидан, кўплаб ноҳақликларга дуч келдик. Масалан, 1-11-лойиҳа бўйича 3 январгача Тоштемир Эгамбердиев ҳамда Ўрал Бердиевларнинг номзодлари бор эди. Танлов бошланмасдан бир соат аввал эса осмондан тушдими, ердан чиқдими, Нормурод Тошқувватов пайдо бўлди ва ғолибликни қўлга киритди. Танлов тугагач, 46-лойиҳага ҳам Нормурод Тошқувватов ҳужжат топширди. Якунида қарабсизки, яна унинг қўли баланд... Майли, омадини берсин. Лекин Нормурод Тошқувватовнинг тендер комиссиясига тақдим этган меҳнат дафтарчаси қалбаки, бунга эса ҳеч ким эътибор бермади. Унинг иккита меҳнат дафтарчаси бор. Ахир бир вақтнинг ўзида бир киши мактабда ўқитувчи, олийгоҳда талаба, хўжаликда ишчи ҳамда тракторчи бўлиб ишлаши мумкинми?»**

Аниқлик киритиш мақсадида дастлаб тендер комиссияси раисига учрашдик.

— Танлов амалдаги қонунларга тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтказилди, — дейди комиссия раиси Турсунқул Қурбонов. — Мутахассислар, соҳа вакиллари буни назорат ҳам қилиб борган. Шикоятда ёзилганларининг бари туҳмат. Марҳамат, текшириб кўришингиз мумкин.

Ҳужжатлар билан танишиб чиқдик.

Нормурод Тошқувватовнинг тендер комиссиясига тақдим этган **УЗБ № 0122833-рақамли** меҳнат дафтарчаси нусхасида ёзилишича, у 1986 йилнинг 15 майдаги № В 125-1-сонли буйруқ билан Сариосиё район, «Коммунизм» савхозининг «Томчи» қишлоғи, Аллабердиев бригадасида ишчиликка қабул қилинган. 1990 йилнинг 25 апрелидаги Г-23-сонли буйруқ билан Сариосиё район ижроия комитетининг 103-4-сонли қарорига асосан «Гулистон» савхозига колхозчиликка ўтган. Яна ўша кунги сана, рақам билан «Гулистон» колхози, «Томчи» қишлоғи, Аллабердиев бригадасига колхозчи... Бу эса 98-6-буйруқ билан қайд этилган.

1995 йилдан 2000 йилгача тракторчилик қилган Нормурод Тошқувватов 2000 йилнинг 18 августида колхоз билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилади. 2001 йилнинг декабрь ойида у Денов туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги 10-бригада ишчиси, 2002 йилнинг 1 декабридан эса хўжаликдаги 11-ширкатда шартнома асосида бошлиқ, 2004 йилнинг 1 апрелидан шу ерда ишчи. 2005 йилнинг 1 январидан «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан ўз вазифасидан озод этилади. 2005 йилнинг 2 апрелидан Узун туманидаги «Чинор» фермер хўжалигида иш бошқарувчи.

Хуллас, тендер комиссиясига тақдим этилган дафтарчада юқоридаги ҳолатлар акс этган. Лекин айтишларича, Н.Тошқувватов узоқ йиллар Узун, Сариосиё ва Денов туманларида ўқитувчи бўлиб ишлаган экан. Аммо тендер ҳужжатларидаги меҳнат дафтарчаси кўчирмасида бундай ёзувларни биз учратмадик. У кишининг, шикоятда ёзилганидек, мактабда ишлаган-ишламаганлигини аниқлашга уриндик.

— Нормурод Тошқувватов бизнинг мактабда қарийб 12 йил меҳнат қилган, — дейди Узун туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактаби ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Абдураҳмон Девонақулов. — Аммо, бизда буйруқлар сақланмаган. Чунки ўша йилларда Узун ва Сариосиё битта туман ҳисобланарди. Шунинг учун унинг қачон ишга кирганини Сариосиё туман халқ таълими бўлимидан билиб олишингиз мумкин. Мактабимиздан эса 2000 йилнинг 1 ноябрдаги 12-сонли буйруқ билан ишдан озод этилган.

Сариосиё туман халқ таълими бўлимидан олинган маълумотномада эса **Нормурод Тошқувватовнинг 1989 йил 4 сентябрдаги В-25-114-сонли буйруқ билан Сариосиё туманидаги 39-саккиз йиллик мактабга бошланғич синф ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилинганлиги қайд этилган.** Демак, 1989-2000 йилларда у 39-сонли саккиз йиллик мактабда ўқитувчилик қилган.

— Нормуроднинг ширкат хўжалигида ишлаганидан хабарим йўқ, — дейди Денов туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби директори Холбўта Тўлаганов. — У туман халқ таълими бўлимининг 2002 йилдаги 08-сонли буйруғи билан мактабимизга она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб ишга қабул қилинган. 2005 йилнинг 1 ноябридан эса мактаб психологи... Лекин анчадан буён ишга келгани йўқ. Унинг дарсларини ҳам бошқа ўқитувчиларга юкладим. Эшитишимизча, Узун туманидан ер олиб фермер бўлганмиш... Аммо, биз билан тузилган шартномасини бекор қилмаган. Истасангиз унинг ўзи ёзган шахсий варақасини кўринг.

Кўрдик. Унга кўра, Нормурод Тошқувватов 1987-89-йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1989-2001 йилларда Узун туманидаги 39-мактабда бошланғич синф, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида меҳнат қилган. 1990-1995 йилларда Термиз давлат университетида таълим олган. Сўнгра 2002 йилдан 20-умумий ўрта таълим мактабида ишни давом эттирган...

Ўз қўли билан тўлдирган шахсий варақада Н.Тошқувватовнинг ишчи ва тракторчи бўлиб ишлагани қайд этилмаган. Тендер комиссиясидаги меҳнат дафтарчаси кўчирмасида эса унинг педагоглик фаолияти акс этмаган эди. Ҳақиқатан, ажабланарли ҳолат эмасми бу?! Қайси бири тўғри?

Маълум бўлишича, Н.Тошқувватовнинг иккинчи меҳнат дафтарчаси ҳам бор — **SH № 063652 рақамли.** Унда юқоридаги педагоглик фаолияти тўла акс этган. Масалан, у 2002 йилда Денов туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабида ҳам ёш авлодга таълим-тарбия берган экан.

— Нормурод Тошқувватовнинг УЗБ № 0122833-рақамли меҳнат дафтарчаси қалбаки эканлиги шундоқ кўриниб турибди, — дейди Узун туманидаги «Гулистон» сувдан фойдаланиш уюшмаси кадрлар бўлими бошлиғи Пароғат Тўраева. — Тўғри, унда бизнинг собиқ ширкат хўжалигимизнинг муҳри босилган. Аммо уни ким, қандай тўлдириб бергани менга қоронғу... Қолаверса, барча муҳрларда «ширкат хўжалиги», деб қайд этилган. Ахир 1985-1990 йилларда ширкатлар ташкил этилмаганку... Яқинда у очиқ тендерда қатнашиш учун маълумотнома сўраб келувди. Хўжаликда ишламаганлигини инобатга олиб тегишли ҳужжатни бермадим...

Кадрлар бўлими бошлиғи умумий дафтарларни варақлаб **Нормурод Тошқувватовнинг мазкур хўжаликда 1995 йилда 54 кун меҳнат қилиб 1148 сўм, 1996 йилда эса 68 кун ишлаб 679 сўм олганлигини аниқлаб берди. Унинг айтиши бўйича, 1997-98-99-йилларда ушбу хўжаликда у умуман ишламаган экан.**

Буёғи қизиқ бўлдику, ахир тендер комиссиясига тақдим этилган ҳужжатда 1995 йилдан 2000 йилгача «Гулистон»да тракторчилик қилгани ёзилганди, П.Тўраева эса ҳужжатларни кўтариб, «йўқ, ундай эмас» демоқда. Бизнинг назаримизда, бу ҳолатга албатта аниқлик киритиш керак. Негаки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 18 ноябрдаги «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 25-бандида танловда иштирок этиш учун ёлғон маълумотлар ва сохта ҳужжатлар тақдим этган шахслар танловга қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддасида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатиш лозимлиги ҳам айтилган.

Бундай шубҳали ҳолатга албатта қонун йўли билан аниқлик киритилади, деб ўйлаймиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ САНКЦИЯ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгашида Эронга нисбатан кенгайтирилган янги санкция овозга қўйилди ва у бир овоздан қабул қилинди.

Франциянинг БМТдаги вакили Жан-Марк де ла Саблиернинг айтишича, Хавфсизлик Кенгашининг 15 аъзоси маъқуллаган ушбу янги резолюцияга айрим тузатишлар киритилган ва аввалги резолюцияга нисбатан (ўтган йил 23 декабрда қабул қилинган ва 2007 йил 22 февралда муддати тугаган, лекин Эрон унинг талабларини бажармаган) анча қатъийлаштирилган. Жумладан, «AFP» ахборот маҳкамасининг маълум қилишича, Эронга қурол-яроғ сотиш ва Эроннинг ўзга давлатларга қурол экспорт қилиши тақиқланган. Шунингдек, расмий шахсларнинг ва «Ислом инқилоби соқчилари корпуси» раҳбарларининг хорижга чиқиши чекланди. Халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар Эронга кредит ва грантлар ажратмасликка чақирилди. Эроннинг ядро ва ракета лойиҳаларига алоқадор юридик ва жисмоний шахслари (13 та корхона ва 15 нафар шахс)нинг ҳисоб рақамлари «музлатилади».

Яна бир гап. Эроннинг «IRNA» ахборот агентлиги хабар беришича, Эрон президенти Маҳмуд Аҳмади Нежат БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги янги санкция муҳокамасида иштирок этиб, мамлакатнинг ядро дастурини ҳимоя қилмоқчи эди. Бироқ расмий Вашингтон томонидан виза кеч берилганлиги учун у Нью-Йоркка боришдан воз кечди. Унинг ўрнига Эрон ташқи ишлар вазири Манучеҳр Моттаки етакчилигидаги делегация ташриф буюриб, муҳокамада иштирок эди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАЪҚУЛЛАНДИ, БИРОҚ...

АҚШ Конгрессининг қуйи палатаси, яъни Вакиллар палатаси 2008 йил 1 сентябргача Ироқдаги Америка қўшинини олиб чиқиб кетиш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллаб овоз берди. «Associated Press» ахборот агентлиги хабарига кўра, ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб 218 нафар конгрессмен овоз берган бўлса, 212 нафари қарши чиқди.

Бироқ қуйи палатанинг бу ташаббуси мамлакат президенти Жорж Бушни анча ранжитди. У Вакиллар палатасини ўз ваколатларини ҳаддан ташқари кенгайтириб юборaётганликда айблади.

Ироққа қўшимча кучлар ташланишини чекловчи ҳар қандай қонунга президент Жорж Буш вето қўллаши ҳақида Оқ уй маъмурияти бир неча бор баёнот берган бўлишига қарамай, ушбу қонун лойиҳаси Вакиллар палатаси томонидан кўпчилик овоз билан барибир қабул қилинди. Энди у юқори палата — Сенатда кўриб чиқилади.

Ҳозирги кунда Американинг Ироқдаги ҳарбий контингенти 140 минг кишидан ортиб кетган. Жорж Буш аввал эълон қилган режасига кўра, 26,1 минг кишилик қўшимча кучларни Ироққа ташлаш жараёни давом этмоқда.

ВИЗАСИЗ ТАШРИФ



Россияликларнинг Таиландга визасиз ташрифини амалга ошириш ҳақидаги келишув шанбадан эътиборан кучга кирди. Ўз ўрнида таиландликлар ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлдилар.

ИТАР-ТАСС ахборотига кўра, икки томон фуқаролари визани расмийлаштирмай, фақат чет эл паспорти (бирор мамлакатдан бошқа мамлакатга бориш учун бериладиган махсус паспорт) бўйича 30 кун давомида Россияда ёки Таиландда яшаши мумкин. 30 кундан ортиқ Россияда ёки Таиландда қоладиган бўлса, виза расмийлаштирилади.

Бу борадаги келишув 2005 йил декабрда Куала-Лумпурда бўлиб ўтган Россия – АСЕАН саммитида икки мамлакат ташқи ишлар вазирлари томонидан имзоланган.

Статистик маълумотларга кўра, эндиликда россиялик сайёҳларнинг Таиландга ташрифи кутилмаган даражада ошиши мумкин. Ўтган йили 200 мингдан ортиқ россиялик Таиландга ташриф буюрган.

АЁЛЛАР САФИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Бугунги кунда АҚШ армиясида хизмат бурчини ўртаётган хотинқизлар сони шахсий таркибнинг 18-20 фоизини ташкил этаркан. Хўш, яна бир қудратли давлат — Россияда бу кўрсаткич қандай?

«Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Россия армиясида хизмат қилаётган аёллар кейинги ўн йилда икки баравага ортибди, яъни 50 мингдан 95 мингга етган. Бу 1 миллион 130 минг кишилик шахсий таркибнинг 8,5 фоизини ташкил этади. Агар умуман погонли шахслар (улар 4 миллион атрофида) таркибига нисбатан ҳисоблайдиган бўлсак, аёллар сони 500 мингга бориб қоларкан. Бу эса 12,5 фоиздан ортиқ дегани.

Мудофаа вазирлиги тизимида 32 минг аёл хизмат қилаётган бўлса, шундан 5,6 минги офицерлар, 26,5 минги эса прапорщик ва мичманлардир. Уларнинг 70 фоизи профессионал ҳарбийлардир.

Ҳарбий аёлларни соҳалар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, 72 фоизи тиббий соҳада, 8 фоизи алоқа тизимида, 4 фоизи молия тизимида хизмат бурчини ўтамоқда. Жанговар ҳарбий ҳаракатларда иштирок этганлари ҳам анчагина.

15 ДАҚИҚАДА ЕТИБ БОРИШИ ШАРТ

Грузия меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазири Владимир Чипашвили тез тиббий ёрдам хизмати («03») зиммасига беморлар томонидан чақирув бўлганидан сўнг 15 дақиқадан кечикмай етиб бориш мажбуриятини юклади. Тез тиббий хизматнинг тезкорлигини ошириш учун керакли шароитлар яратиш ва техника билан таъминлашга 45 кунлик муддат белгилади.

Шу йил 1 сентябрдан эса тез тиббий ёрдам чақирилган жойга 15 дақиқадан бирор дақиқа ҳам кечикмай етиб бориши шарт.

«Новости-Грузия» ахборот агентлиги хабар беришича, кейинги йилларда тез тиббий хизмат турининг йиллик бюджети 7 миллион лари (4,1 миллион доллар)ни ташкил этмоқда. Эндиликда бу рақамни 8 миллион ларига етказиш кўзда тутилган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

2007 йилда Наманган вилоятида жорий таъмирланадиган қуйидаги умумтаълим мактабларига пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Лот №	Мактаб манзили, рақами	Объектни ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)
1/1	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Тўрақўрғон кўчасидаги 1296 ўринли 51-сонли мактаб	35 923 680
1/2	Наманган вилояти, Поп тумани, Келачи қишлоғидаги 624 ўринли 8-сонли мактаб	35 500 444
1/3	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Шаханд қишлоғидаги 760 ўринли 48-сонли махсус мактаб-интернат	38 413 520
1/4	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Уйчи қишлоғидаги 1176 ўринли 26-сонли мактаб	36 473 000
1	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, М.Эгамбердиев кўчасидаги 640 ўринли табиий ва аниқ фанлар лицейини жорий таъмирлаш	42 000 064

Қурилишни якунлаш муддати — 2007 йил 1 август.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Машраб кўчаси, 12-уйда жойлашган Наманган шаҳар халқ таълими бўлими. Телефон: (8 369) 226-46-71, 226-57-62

Қурилиш ишлари мактаб жамғармаси томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91,

Танлов ҳужжатлари битта ЛОТ тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, 3-кичик туман, Дўстлик шоҳкўчаси, вилоят халқ таълими бинoси.

❖ Спорт

ИШОНЧ ВА НАТИЖА

ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА КРАСНОЯРСК (РОССИЯ)ДА ЎТГАН ЖАҲОН КУБОГИ БЕЛЛАШУВЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ БРОНЗА МЕДАЛИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Анъанага кўра, эркин кураш бўйича Жаҳон кубоги мусобақаси ҳар йили ўтказилади. Унда дунё таснифида юқори ўринларни эгаллаган олти давлат вакиллари ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Ёдингизда бўлса, ўтган йил Гуанчжоу (Хитой)да уюштирилган жаҳон чемпионати якунида умумжамоа ҳисобида Россия, АҚШ, Эрон, Грузия, Украина ҳамда Ўзбекистон полвонлари кучли олтиликни банд этишганди. Красноярск гиламларида ҳам айнан шу давлатлар эркин курашчилари беллашдилар.

Умумий мукофот жамғармаси 150 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу мусобақага барча терма жамоалар энг сара ва кучли таркиблари билан ташриф буюрди. Салкам бир ой муқаддам FILAнинг Golden Grand Prix туркумидаги «Ўзбекистон мустақиллик кубоги» халқаро турнирига муносиб мезбонлик қилган Ватанимиз спортчилари ҳам Жаҳон кубоги беллашувларига алоҳида эътибор қаратди. Тўрт кун давом этган муросасиз беллашувларда мураббийлар кўпроқ ёшларга ишонч билдиришди. Жумладан, баҳсларда Адҳамжон Очилов (55 кг.), Ихтиёр Наврўзов (60 кг.) Арслон Хуталиев, Абдурауф Бозорбоев (66 кг.), Сослан Тигиев, Артём Присяжнюк (74 кг.), Абдул Аммаев, Заурбек Сохиев (84 кг.), Олег Каллагов, Магомед Ибрагимов (96 кг.) ҳамда Азим Раимжонов (120 кг.)лар юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Мусобақа низомига мувофиқ, иштирокчилар икки гуруҳга бўлиниб баҳс юритишди. Қуръага кўра, Россия, Грузия, Украина терма жамоалари «А» гуруҳидан жой олган бўлса, «В» гуруҳида Эрон, Ўзбекистон, АҚШ эркин курашчилари кейинги босқич йўлланмаси учун ўзаро куч синашдилар.

Дастлаб етти вазн тоифасида беллашган Эрон — Ўзбекистон терма жамоалари учрашувида рақибларимиз ғалаба қозонди — 5:2. Сехидо Генри (55 кг.), Зэдик Майкл (60 кг.), Зэдик Билл (66 кг.), Притцлафф Донни (74 кг.), Толли Томпсон (120 кг.) сингари қатор жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорларини ўзида жамлаган АҚШ терма жамоаси билан кечган беллашув юртимиз паҳлавонларини чин маънода синовдан ўтказди. Ушбу учрашувда умумий ҳисобда рақибларини доғда қолдирган вакилларимиз медаллар учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди — 4:3.

Учинчи ўрин учун Грузия — Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида ўтган беллашувларда ҳам ҳамюртларимиз худди шу ҳисобда ғалаба қозондилар.

— Жаҳон кубоги баҳсларида қайд этилган натижа биз, мутахассисларни қониқтиради, албатта, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Маъмур Рўзиев. — Чунки терма жамоамиз Красноярскка етакчи курашчилар — икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров (55 кг.), Олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндори, икки карра жаҳон чемпиони Артур Таймазов (120 кг.)ларсиз ташриф буюрганди. Шунга қарамай, ёшларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлашди. Дунёнинг энг кучли терма жамоалари ўртасида кучли учликдан жой олиш ҳар қайси давлат вакилларига ҳам насиб этавермайди. Ишонаманки, шогирдларимиз шу йилнинг кузида Боку (Озарбайжон)да бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам ўзларини кўрсатишади.

Мусобақа финалида Россия — Эрон терма жамоалари ўзаро рўбарў келишди ва унда мезбонлар ғалаба қилди — 5:2.

Эркин ХОЛБОБО



Суратда: *иқтидорли курашчимиз, Афина олимпиадаси кумуш медали совриндори Магомед Ибрагимов (чапда).*

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ҲАМДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2007»

РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 мартда «Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди.

Ушбу қарор билан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг «Келажак овози» танловини ҳар йили ўтказиш ҳамда унга республика доирасидаги танлов мақомини бериш тўғрисидаги таклифи маъқулланиб, Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Танловни ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимизда ўсиб, вояга етаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, уларни ижод ва билим чўққиларини эгаллашларига кўмаклашиш, истеъдод ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари учун моддий ва маънавий жиҳатдан имконият даражасида шароитлар яратишдан иборат.

Ушбу кўрик-танловнинг бошқа танловлардан фарқи шундаки, танлов 15 дан 25 ёшгача бўлган ёшларни ўз ичига олган ва 6 хил йўналишда ташкил этилади. Фоиблар танлов ўтгандан кейин камида 10 кун муддатда махсус тузилган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади ва тантанали равишда тақдирланади.

«Келажак овози» танловининг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2005 йилда ушбу танловда 2,5 мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, 2006 йилда уларнинг сони 10 мингдан ошиб кетди. Танловнинг ёшлар орасида кенг миқёсда оммалашиб бораётганлиги, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳаётга тарғиб этиш мақсадида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ташкил этилди. Бугунги кунда марказ олти йўналишда ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бугунга қадар республика бўйлаб беш мингга яқин ёшлар ушбу марказга аъзо бўлишиб, унинг фаолиятида бевосита ўз қизиқишлари ва ташаббуслари билан иштирок этишмоқда.

Жорий йилда «Келажак овози» танловини ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича жамоатчилик кенгашининг махсус дастури ишлаб чиқилди ҳамда танлов ҳакамлар ҳайъати қарорига биноан танлов Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Булар:

— ёшларга қулайлик яратиш мақсадида аризалар 20 майгача қабул қилинади;

— танловнинг вилоят саралаш босқичлари июнь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади;

— республика финал босқичи 15 декабрдан 25 декабргача бўлган муддатда Тошкент шаҳрида ўтказилади;

— ғолиблар иштирокчиларнинг ёш категориясига қараб аниқланади.

Кўрик-танлов ишини вилоятларда мувофиқлаштириш бевосита «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қошидаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида амалга оширилади.

Айни кунларда барча жойларда «Келажак овози — 2007» танловида иштирок этиш истагини билдирган ёшлардан аризаларни қабул қилиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Шунингдек, танловни янада кенгроқ тарғиб ва ташвиқот этиш мақсадида журналистлар ўртасида кўрик-танлов эълон қилиниши режалаштирилган.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази матбуот хизмати

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
Г — Тижорат материали
O`zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 22.00
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda

❖ Интер-спорт

ЧЕМПИОНАТНИ ЎТКАЗИШГА ДАЪВОГАРЛАР

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси президенти Зепп Блаттер Киев шаҳрига қилган сафари чоғида Украина билан Польшанинг 2012 йили ўтказиладиган Европа чемпионатига мезбонлик қилишини қўллаб-қувватлашини билдирди. «Украина ва Польшада Европа чемпионати ўтказилади деб умид қиламан, — дейди ФИФА президенти матбуот йиғилишида. — Биламанки, бу икки мамлакат чемпионатни уюштириш учун кўпгина саъй-ҳаракатлар қилмоқда».

Эслатамиз, «ЕВРО — 2012» мезбонлигига шунингдек, Хорватия, Венгрия ҳамда Италия мамлакатлари ҳам даъвогар бўлиб турибди. Апрель ойи ўрталарида даъвогарлардан қайси бири ғолиб бўлгани аниқланади.

«БРАЗИЛИЯ ФУТБОЛ МАКТАБИ РОССИЯДА»

1970 йили ўтказилган жаҳон чемпионати ғолибларидан бири бразилиялик афсонавий футболчи Жаир Вентура Фильюни ишқибозлар ардоқлаб Жаирзиньо деб аташади. Бу футболчи шу кунларда Краснодар ўлкасида «Бразилия футбол мактаби Россияда» совринни учун ўтказилаётган турнир ҳақида фикр билдирар экан, «Россия футболини техник жиҳатдан юқорига кўтариш мумкин», деди. «Россияда қадимий анъаналар бор. Бу мамлакат футболчилари кучли ва интизомлидир, — деб таъкидлайди Жаирзиньо. — Лекин, йирик мусобақаларда муваффақият қозониш учун бу етарли эмас. Бразилия футболида жўшқинлик бор. Футбол техникаси шунга асосланган. Куч эса кейинги навбатда туради. Ўйлайманки, Россияда ҳам ана шундай ўзига хос имкониятлар юзага чиқади».

Вниманию руководителей предприятий и организаций!

УПРАВЛЕНИЕ МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКОГО СНАБЖЕНИЯ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Объявляет о проведении тендера на изготовление и поставку:

— Головных уборов;
— Швейных, швейно-трикотажных изделий;
— Обуви;
— Бекеши и тулупов из овчины;
— Имущество пожарной службы;
— Матрац и подушки ватные.

Тендер состоится по адресу: Республика Узбекистан, 700070, ул.Ташкент, ул.Ш.Руставели, тупик 1, дом 1.

Последний срок приема предложений от претендентов на участие в тендере 17.00 часов 26 апреля 2007 года.

За справками и тендерной документацией обращаться ежедневно с 9.00 до 19.00

по тел.: 8 10 998 (3712) 1537416, 3614372, 1363960, 558503

Факс: 8 10 998 (371) 3614372, E-mail: umtvs@uzpak.uz

так же дополнительная информация размещена на сайте: www.dgMarket.uz

❖ Атроф-муҳит ва мувозанат

ТОҒЛАР БАҒРИ БУТУН БЎЛСИН...

Бу йилги қиш анча оғир келди. Халқимизда бир гап бор: «яхши келса хут, ёмон келса ют...» Ноябрь ойидаёқ қалин қор босиб, чорва моллари оғилга кирди. Ҳайрият, 2007 йил бошидаги қиш унчалик чўзилмаяпти. Февраль ойида майда жониворлар у ёқда турсин, йирик шохли чорва молларини ҳам далага ҳайдаш бошланди. Чунки чорва емишларининг таги кўриниб қолган, «ёмон келса ют» деган кўнгилсизлик эшик қоқиб турарди. Одамлар йил бўйи елиб-югуриб чорва озуқаси жамғарадилару, қишни жон ҳовучлаб ўтказишади. Нега шундай?..

Мен яшайдиган Хондайлиқ қишлоғи Ватанимиздаги энг қадимий гўшалардан бири. Бу даргоҳ Бўстонлиқ туманининг Оқтош ҳудудидаги қуёшли кўркам майдонда жойлашган. Атрофини Йўлбарсунгур, Соз, Қорақоя каби гўзал тоғлар қуршаб олган. Дарвоқе... ушбу тоғлар ўтмишда гўзал эди. Ўнлаб турдаги майда ёввойи жониворлардан ташқари қалин чангалзорларда ҳатто йўлбарслар яшаган. Шўробсой қошидаги қатор кераги қоялардан сочилиб тушувчи шаршаралар ҳосил қилган унгур ва ғорлар тарафдан мудом йўлбарслар ўкириклари эшитилиб турганини ҳали-ҳануз қариялар мароқ билан гапириб юришади. Энди эса... одамлар оёғи остида топталаётган бу тоғларда йўлбарс тугул оддийгина тулкини учратиш амримаҳол.

Яқин ўтмишда бизнинг қишлоғимизда яшовчи хонадонлар ҳозиргига қараганда уч-тўрт баравар кам эди. Уч юз, нари борса тўрт юз оилада икки-уч минг одам яшарди. Айни чоғда мингдан зиёд хонадонларда ўн мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Чорва моллари эса қадимда юз баравар кам эди, десак ишонаверинг. Қирқ-элликта қўйэчкилари ва уч-тўрт қорамоли бор хонадон қишлоқнинг энг бойи саналарди. Ҳозир ўрта ҳол оиланинг эшигидан ўнлаб майда жонлиқлар ва қорамоллар тоққа ҳайдалади...

Биз одамларнинг бойишига мутлақо қарши эмасмиз. Қани эди, ҳамма бой-бадавлат бўлиб, фаровон ҳаёт кечирса! Ҳар бир хонадонда сигир бўлсин, фарзандларимиз чорва маҳсулотларига тўйиб соғлом ва бақувват ўссинлар, деган даъватни биринчи бўлиб Юртбошимиз айтдилар. Шундан сўнг бутун мамлакатимиз бўйлаб кам таъминланганларга сигирлар бепул тарқатилди. Бундай улуғ ишнинг савоби битмас-туганмасдир, албатта...

Шу ўринда бир муаммо бор. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ночор аҳволда яшаётганлар қорамоллик, сут-қатиқлик бўлди, фарзандларимиз қаймоқ ялади. Бу жуда яхши, аммо азалдан чорва моллари етарли оилалар эса, ҳар қанча кўпайтирсак бўлаверади чоғи, деган хаёлда бу борада «жилов»ни бутунлай бўшатиб юбордилар. Мисол тариқасида Хондайлиқ қишлоғини оладиган бўлсак, хонадонларда чорва моллари шу қадар кўпайиб кетдики, тобора қисқариб бораётган яйловлар уларнинг эҳтиёжларини қондиролмай қолди. Қадимгига қараганда камида юз баравар кўп қўй-эчкилар, қорамоллар, от-эшаклар ҳаммаёқнинг чангини осмонга чиқариб ётибди. Қир-адирлар буёқда турсин, чорва аҳли тоғ-роғ, экин майдонлари билан бирга бутун тоғу-тошлар аёвсиз талон-торож қилинмоқда.

Қадимда қишлоқ маҳаллаларидан бор-йўғи икки-учта пода чиқарди. Ҳозир турли подалар сони биргина қишлоқда йигирма-ўттизга етиб қолди. Уларнинг ярмидан кўпи апрель ойи бошидан то қор тушгунга қадар тоғларда яшаб мол боқадилар. Улар тоғлардаги мавжуд барча яшил бойликларни қийратишиб ҳудудларни қўралаб, ўзаро тақсимлаб олганлар. Токи қор босиб қишлоққа қайтгунларига қадар чорва молларининг оғзи ва туёқлари вайрон қилаётгани етмагандай, юзлаб молчилар табиатни аёвсиз ғорат қилаверадилар. Уларнинг дастидан тоғлардаги ёввойи ҳайвон ва қушлар уёқда турсин дов-дарахтлару, доривор ўсимликлар ҳам шиддатли тарзда йўқ бўлиб боряпти. Шўробсой ва Туятошисойдаги балиқларнинг «тухуми қуриб» битганига-ку анча йиллар бўлди. «Сизларни тергайдиган, текширадиган, чора кўрадиган бирон ташкилот йўқми?», деб сўрасангиз, «мавсум бошида «взнос»ини йиғиб кетгач, ким ҳам бизга индай оларди» дея шахсий чорвадорлар кўкракларига уриб қўйишади.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида табиат жонкуярлари томонидан тоғлар бағрида терассали боғлар яратишга киришилган эди. Шунда ҳам чорвадан бошқани ўйламайдиган шахсиятпарастлар текин ўтказиб берилган навли кўчатларни йўқ қилиб, барча терассаларни ёппасига яйловларга айлантириб олганлар. Айни чоғда терассалар биргина Хондайлиқ тоғларида мавжуд. Аммо уларда бирон туп маданий дарахт йўқ. Мен шу терассалардан ўн гектарни ўзимга расмийлаштириб, уларга навли кўчатлар экяпман. Қолган бор умрим давомида шуларни парваришлаб, сўлим боғ яратмоқчиман. Бундан ибрат олиб бошқалар ҳам сувсиз тоғ терассаларида боғлар яратсин ва авлодларимизга ажойиб яшил меросларни қолдиришсин, деган ниятдаман.

Турли кимёвий дорилар ва бошқа замонавий асбоб-анжомлар воситаси ила ўлик сувга айлантирилган Туятошисойга хонбалиқлар олиб келиб, уни жонлантириш харакатида ҳам бўлдим. Анча вақт кўриқлаб, муҳофаза қилиб юрдим. Иккиуч йилдаёқ балиқлар кўпайиб, кўзга кўрина бошлади. Аммо, «эгаси минг пойласа-да, ўғри бир пойлайди», деганларидай, ғаламислар хлор оқизиб, балиқларни тағин қийратиб кетдилар. Туятошисой яна ўлик сувга айланди-қолди.

Кўп йиллик кузатишлар шуни исботлайдики, табиат муҳофазасида изчиллик, ҳамкорлик, энг муҳими астойдил жонкуярлик ва фидойилик етишмаяпти. Жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар жавобгарликни, масъулиятни табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари зиммасига ағдаришади. Улар эса маҳалла оқсоқоллари, фуқаролар йиғинлари ва бошқа маҳаллий раҳбарларни лоқайдликда, ўзларига яқиндан ёрдам кўрсатмасликда айблайдилар. Икки орада она табиат қаттиқ озор чекиб, вайрон бўлмоқда, тиклаб бўлмас даражада ғариблашиб боряпти.

Республикамиз биохилмахиллиги умуммиллий бойлигимиздир. Афсуски, аҳолимиз бугунги кунда ҳудудимиз флора ва фаунасини асрашдай масъулиятли вазифани унутиб қўйяпти. Табиатда мувозанат бузилиши қандай фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ёдда сақлайлик.

Бизнингча, табиат муҳофазасига оид ушбу масалаларни чуқурроқ таҳлил қилиб кўриш керакка ўхшайди. Масалан, ҳудудлар, яйловлар аҳволидан келиб-чиқиб чорвачиликни мутаносиб ривожлантириш, бу борадаги масъулият ҳамда жавобгарлик изчиллигини таъминлаш, ўз ҳудудларидаги табиий бойликларни сақлаш ва кўпайтиришга аҳолининг барча қатламларини мудом жалб этиш йўлларини қидириб топиш каби долзарб вазифаларни муҳтарам депутат ва Сенаторларимиз ҳам чуқур ва атрофлича кўриб чиқсалар мақсадга мувофиқ бўлармиди...

Баҳор келди, кунлар исиб қолди, тоғлар эса қўрқувдан дағ-дағ титраб-қақшаяпти. Чунки шу кундан бошлаб то кеч кузгача уларнинг бағрини минг-минглаб чорва моллари, юзлаб одамлар топтайдилар, талон-торож қилаверадилар.

Назаримда, бугун тоғларимизнинг қадди чўкиб қолаётгандай. Тоғлар бағри бутун бўлсин...

Асад АСИЛ,
ёзувчи